


6-20-2020

POETIC FUNCTIONS OF THE TRANSFORMATION MOTIF IN WRITTEN LITERATURE

Darmon Uraeva DSc, Professor
Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

Nargiza Kadirova Senior Teacher
Bukhara State University, Bukhara, Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Uraeva, Darmon DSc, Professor and Kadirova, Nargiza Senior Teacher (2020) "POETIC FUNCTIONS OF THE TRANSFORMATION MOTIF IN WRITTEN LITERATURE," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 2. DOI: 10.36078/987654432
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss2/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Дармон Ўраева

БухДУ профессори, филология фанлари доктори

Наргиза Кадирова

БухДУ катта ўқитувчиси

ЁЗМА АДАБИЁТДА “ЭВРИЛИШ” МОТИВИНИНГ ПОЭТИК ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада “эврилиш” мотивининг жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган қадимий, анъанавий мотивлардан бири эканлиги, унинг поэтик кўринишлари ва вазифалари ўртасида умумий ва хусусий белгилар борлиги, генезисининг мифологик тафаккур билан боғлиқлиги ва унга хос қолдиқларнинг замонавий адабиётда поэтик янгилишлар асосида яшаб келаётганлиги киёсий-типологик асосда ёритилган.

Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви антик даврдан то ҳозиргача қўлланиб келинмоқда. Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви шеърый, насрий, драматик асарлар сюжетига учрайди. Ундан айниқса, эртақ стилизациясига асосланган асарларда, фантастик ҳамда ижтимоий-маиший руҳдаги роман, қисса, ҳикояларда кенг фойдаланилган.

Антик адабиёт намуналарида қаҳрамоннинг эврилиши худди фольклордаги сингари илохий тарзда юз бериши тасвирланади. Фақат, бунда эврилишнинг маъбудлар истаги ва таъсирида бировга жазо бериш кўринишида юз бериши акс эттирилади. Кейинги босқичларда яратилган бадий асарларда эса инсон эврилишига унинг бевосита ўзи илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари сабабчи бўлганлиги тасвирланади. Шу боис, кўпинча адабий эртақларда, илмий-фантастик руҳдаги асарларда “эврилиш” мотивининг мана шу маънодаги талқинларига кўп дуч келамиз.

Жаҳон адабиётида қадимдан ҳозиргача эврилишнинг маъбудлар, демонологик кучлар

Darmon Uraeva

Professor, Philological Sciences, Bukhara State University

Nargiza Kadirova

Senior Teacher, Bukhara State University

POETIC FUNCTIONS OF THE TRANSFORMATION MOTIF IN WRITTEN LITERATURE

ANNOTATION

By means of comparative-typological tools the article describes the ‘Transformation’ motif as one of the most ancient, traditional motifs in the oral and written literature of the world. It explains the existence of general and specific features comparing poetic appearances and functions; correlation between genesis and mythological thinking, as well as the usage of remnants in modern literature on the basis of poetic innovations.

The ‘Transformation’ motif has been used in the written literature since ancient times. In the written literature, this motive occurs in the plot construction of poetic, prose, and dramatic works. It is also widely used in works based on fairy-tale stylization, novels, short stories, narratives, in the spirit of fiction and social life.

Samples of ancient literature describe the transformation of the main hero as divinely as in folklore. The only difference from folklore is that it reflects the fact that transformation takes place in the form of punishing someone under the will and influence of the Gods. The fictions which are created in the next stages of evolution depict the transformation of a human being as a direct result of his/her achievements in science and technology. Therefore, transformation motifs are often encountered in literary tales, works of scientific-fantastic mood.

In the world literature, from ancient times to the present, transformation has been described as

(шайтон, жин, ажина ва алвастилар), оддий ёки олим инсонлар томонидан содир этирилиши тасвирланган.

Калит сўзлар: эврилиш, метаморфоза, мотив, жаҳон адабиёти, фольклор, ёзма адабиёт, анъана, индивидуаллик, бадий маҳорат, поэтик вазифа, тасниф, генезис, мифология, афсона, эртак, роман, қисса, ҳикоя.

being carried out by Gods, demonological forces (Satan, demon, and witches), ordinary people, or scientists.

Key words: evolution, metamorphosis, motive, world literature, folklore, written literature, tradition, individuality, artistic skill, poetic task, classification, genesis, mythology, myth, fairy tale, novel, short story.

КИРИШ

“Эврилиш” мотиви жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида алоҳида ўринга эга бўлган қадимий ҳамда анъанавий эпик мотивлардан бири бўлиб, бадий ижод жараёнида ўзига хос поэтик-тадрижий такомил босқичларини кечирганлиги билан эътиборни тортади. Унинг фольклор орқали ёзма адабиётга ўтиш сабаблари, ижтимоий-руҳий асослари, жаҳон адиблари ижодида даврларга қараб турлича бадий талқин этилганлиги алоҳида қизиқиш уйғотади. Дунё халқлари адабиётида кўп учрайдиган “эврилиш” мотивининг умумий хусусиятлари, генезиси, ички кўринишлари, бадий тадрижини аниқлаш мифологик тафаккур қолдиқларининг замонавий адабиётда поэтик янгиланишлар асосида яшаб келаётганлигини далиллаш имконини беради.

ИЛМИЙ НАТИЖА ВА ХУЛОСАЛАР

Қадимги одамлар ўлимни бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилиш, ўлим инсоннинг бир оламдан бошқа оламга ўтиши учун восита, марҳумлар олами эса бу дунёнинг тескари кўриниши, у ерга инсон ўз кўринишида эмас, ўзга кўринишга эврилиб кириб боради, деб тушунганлар [Публий Овидий Назон, 1983]. Шундай ибтидоий-мифологик тасаввур-тушунчалар, халқона эътиқодий қарашлар асосида келиб чиққан “эврилиш” мотивидан нафақат қадимги шоиру ёзувчилар, балки ҳозирги замонавий ижодкорлар ҳам ўз асарларининг халқчил руҳини, бадий таъсирчанлигини ошириш мақсадида фойдаланмоқдалар. Шунга кўра, унинг қўлланишини адабиёт турига қараб, иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Фольклорда қўлланилган “эврилиш” мотиви. Халқ оғзаки ижодида “эврилиш” мотиви барча жанрларда ҳам қўлланавермайди. Бунга унинг хаёлий уйдирма, фантазияга асосланиши, сеҳр-жодуга ишонч, афсонавийлик, ғайритабиийлик билан боғланиши монелик қилади. Шунинг учун ундан фақат сюжети хаёлий уйдирмага асосланадиган миф, афсона, сеҳрли-фантастик эртак, романик дoston сингари эпик турга мансуб жанрлардагина фойдаланилади, холос. Бундан англашиладики, фольклор жанрлари табиатини белгилашда “эврилиш” мотивининг алоҳида ўрни бор.

2. Ёзма адабиётда қўлланилган “эврилиш” мотиви. Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви антик даврдан бошлаб то ҳозиргача қўлланилади. Ўзбек олимлари Ҳ.Шайхов ва М.Муродов “Ҳаётбахш хаёллар” асарига ёзган

сўзбошида таъкидлашганидек: “Эврилиш” мотиви дастлаб қадимги мифларда қўлланилган ва ҳозиргача ёзма адабиётда ҳам кенг қўлланиб келинаётир” [Муродов М., Шайхов Ҳ, 1985; 10]. Лекин фольклордан фарқли ўлароқ, ёзма бадиий ижодда “эврилиш” мотиви шеърӣ, насрий, драматик асарлар сюжет қурилишида учрайди ва улардаги воқеаларни ғоявий-композицион жиҳатдан боғлашда муҳим аҳамият касб этади.

Антик адабиёт намуналарида қаҳрамоннинг эврилиши худди фольклордаги сингари илоҳий тарзда юз бериши тасвирланади. Фақат бунда эврилишнинг маъбудлар истаги ва таъсирида бировга жазо бериш кўринишида юз бериши акс эттирилади. Кейинги босқичларда яратилган бадиий асарларда эса инсон эврилишига унинг бевосита ўзи илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари сабабчи бўлгани тасвирланади. Шунинг учун кўпинча адабий эртақларда, илмий-фантастик руҳдаги асарларда “эврилиш” мотивининг мана шу маънодаги талқинларига кўп дуч келамиз. Хусусан, илмий-фантастик роман, қисса ва ҳикояларда қаҳрамоннинг ўзи кашф қилган бирор нарса, дори ёки тасодифан топиб олинган қандайдир сеҳрли буюм ёрдамида ўз қиёфасини ўзгартириши, ёхуд зумда кўздан ғойиб бўлиши, ёйинки ғойибдан пайдо бўлиши, кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиши каби қизиқарли воқеалар ифода этилади.

Эврилиш гирдобига тушиб қолган қаҳрамон, одатда, саргузаштлар пўртанасида сузади. Бу саргузаштлар унинг учун синов вазифасини ўтайди. Шу ўринда “эврилиш” мотивининг бошқа мотивлар билан туташиб кетиши, улар билан боғланиши, ўзак мотив сифатида атрофига бошқа мотивларни бирлаштириши намоён бўлади.

Кутилмаган саргузаштлар, қаҳрамоннинг ўта мураккаб синовларга дуч келиши, у бошидан кечирган сарсон-саргардонликлар асар сюжетини қизиқарли чиқишидаги муҳим белгилардир.

Тасодифлар гирдобига тушган қаҳрамоннинг кутилмаганда асл кўринишини, қиёфасини ўзгартириши, яъни асл ҳолати асар тугунини ташкил қилса, унинг яна асл ҳолати ва ҳаётига қайтиши асар ечимини беради.

“Воқеалар гарчи маиший макон сатҳларида кечса-да, унинг асл хусусияти маишийликда намоён бўлмайди, балки маиший сатҳ ва унга хос бўлган кўп воситалар асар марказида турувчи бир нарсага – метаморфоза (эврилиш жараёнлари)нинг туғилиши ва сюжет охирига қадар яшашига хизмат қилади” [Бахтин М., 2015; 29].

Ҳозиргача “эврилиш” мотивидан адабиётнинг турли босқичларида турлича мақсадларда фойдаланилган. Бу, албатта, ҳар бир давр қаҳрамонининг бадиий-эстетик вазифаси билан ҳам боғлиқ. Масалан, Франц Кафка кўпроқ одамлар ўртасида ўз замонасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганини тасвирлаш учун бу мотивга мурожаат қилган. Ёки бора-бора эшак қиёфасида оилалар сирига “маҳрам” бўлиб қолган Люций ўрнини бошқа қиёфадаги жосуслар – “учинчи одам”лар эгаллай бошлаган. Масалан, бунга асарлардаги хизматкорлар образи мисол бўлади. Жумладан, маҳоратли ўзбек адиби Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги хизматкор Мирёқуб жаҳон адабиётидаги Апулей сингари

ўз асл башарасини яширади. У ўз имкониятларидан фойдаланиб, хўжайини мингбоши Акбаралининг хусусий турмушига мўралайди, тинглайди, аралашади. Жаҳон романчилигида учрайдиган бу ҳолат, М.Бахтин фикрича, айнан “учинчи одам” сифатида ҳаракатланадиган типларнинг специфик моҳиятига хосдир [Бахтин М. 1975; 275]. “Худди шу – ғайрирасмий ҳаёт пардаси ортига мўралаш ва ундаги сир-асрорларни эшитиш учун Люций – эшакнинг вазияти мутлак кулайлик туғдиради. Шунинг учун ҳам бу вазият анъанага айланган” [Бахтин М. 2015; 30].

Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги хизматкор Ёрмат “эврилиш” мотиви билан боғлиқликда акс эттириладиган “фош этувчилик” вазифасини бажарган “учинчи” образида намоён бўлади. Бунда “эврилиш” мотивининг “учинчи одам” қиёфасини яратиш воситаси сифатида хизмат қилиши яна бир бор аёнлашади. Аслида, чапани бўлган Ёрмат бошига тушган оғир кўргулик – яккаю ёлғиз қизидан жудо бўлиши туфайли аёвсиз қотилга айланади. Бундай сабаб ва оқибат “Кеча ва кундуз” романи персонажи Раззоқ сўфи фаолиятида ҳам кузатилади. Хизматкор вазифасидаги бу тимсоллар, алал оқибат, ўз хўжайинларидан ўч оладилар.

Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида яна Мирзакаримбойнинг ўз жияни Йўлчига дастлаб меҳрибон қиёфада кўриниш бериши, бора-бора асл қиёфасига қайтиши ҳам роман воқеалари ривожини давомида очилади. “Эврилиш” мотивининг шу тарзда кимларнидир фош этиш, кирдикорларини очиш воситаси бўлиб келиши Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими” романи қаҳрамони Ҳошимжон ўзи топиб олган сирли қалпоқча ёрдамида кўзга кўринмас тусга эврилиб, фолбин аёлнинг кирдикорларини фош этиши мисолида яна бир бор намоён бўлади. Ўрта асрдан кейинги давр романи хронотопида фаол “фош этувчи” ролини телба, айёр ва масхара ўйнаган бўлса, “Сариқ девнинг ўлими” романида бу ролни ўқувчи бола ўйнайди. Бу билан “эврилиш” мотивининг ҳам болалар, ҳам катталар образига боғлаб талқин қилиниши ойдинлашади. “Эврилиш” мотивининг “фош этувчилик” вазифаси орқали, одатда, ижтимоий-ҳаётий иллатларга қарши курашиш намоён этилади. Жумладан, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими” романида ҳам ижтимоий турмушдаги, муайян бир жамиятдаги ҳаётий камчиликлар, айрим кимсаларга хос алдамчилик, фирибгарлик иллатлари пародиявий кулги билан боғлаб фош этилишида “эврилиш” мотиви бошқа мотивларга параллел тарзда қўлланган.

“Эврилиш” мотиви, одатда, салбий қаҳрамонларнинг асл башарасини очиш вазифасини бажаришда жуда қўл келиши туфайли ундан кенг қўлланиб келингани кузатилади. Хусусан, психологик йўналишдаги асарларда бу жиҳатдан унинг ўрни катта.

Эврилиш бирдан очик-ошкор этиш қийин бўлган иллатлар, кирдикорлар, бу учун пинҳон маълумотлар тўплаб, шу тўпланган далиллар, кузатув натижалари асосида кейин ҳақиқатни ошкор этиш воситаси бўлади.

Ўзбек адабиётининг XX аср бошларида яратилган айрим намуналарида қўшмачилар образи ҳам учрайдики, уларнинг тасвирида ижодкорлар

метаморфозанинг яна бир ўзига хос кўринишидан фойдаланганликларини кузатиш мумкин. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида қўшмачи Гулшан ўз қўшмачилигини сир сақлаган ҳолда Солихбой хонадонига кириб келар экан, Раънодан ўткинчи аёл қиёфасида сув сўрайди ва шу аснода қизни кузатувдан ўтказди. Худди шунингдек, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам “Яллагилар иши” драмасида қўшмачининг ўз асл қиёфасини яширишини кўрсатган.

Абдурауф Фитратнинг “Қиёмат” номли хаёлий ҳикоясида туш мотиви ичида макон ва замон эврилиши берилган. Унда асли оти Рўзиқул бўлса-да, “Почамир” номини олган банги бир киши тушида “бу дунё”дан “у дунё”га ўтиб қолади. Ижодкор “у дунё” воқеаларини тасвирлаш воситасида жаннатдай деб аюҳаннос солинган янги тузумнинг устидан аччиқ кулги қилишни мақсад қилган.

Тушда “эврилиш” мотиви О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” тарихий романида келтирилган Улуғбекнинг тушида ҳам учрайди. Ҳукмдор Улуғбекнинг тушида хотини Ўғабегим уни зинога етаклаш мақсадида ортидан таъқиб этади. Шунда Улуғбек қуш қиёфасига кириб, ундан қоча бошлайди. Ўғабегим эса калхатга айланиб, уни қувишда давом этаверади. Бу “эврилиш” мотиви ўзбек халқ сеҳрли-фантастик турдаги эртақларда, романик дostonларда эпик қаҳрамоннинг жодугар томонидан таъқиб этилиши, уларнинг турли қиёфаларга эврилиши мотивини ёдга солади.

Кўринадики, адабиётда “эврилиш” мотивидан фойдаланиш муайян поэтик тадрижга эга ва унинг кейинги тараққиётида янада ранг-баранг бадиий вазифалари пайдо бўлган. Хусусан, Франц Кафка ўз ижодида уни янада юксак даражага кўтарди. Адибнинг тўғридан-тўғри “Эврилиш” номи билан юритилган асари бу жиҳатдан айрича эътиборга молик. Ҳикоя жанрида ёзилган бу мўъжаз асарда инсон жисмида юз берувчи ўзгаришлар унинг ҳам ўзи, ҳам яқинлари руҳиятини ўзгартириб юбориши мумкинлиги таъсирчан ёритилган. Асар қаҳрамони Грегор Замза беором уйқудан сўнг тонг сахарда уйғонганда, ўзи ётган тўшагида баҳайбат ҳашаротга айланганини сезади [Кафка Ф., 1983; 8]. Ҳикоядаги асосий ғоя: одам қиёфасини йўқотса, ҳаммага бегона бўлиб қолиш ҳақиқати билан боғлиқ. Ҳатто ундан оиласи ҳам юз буради. Унга нисбатан оила аъзоларининг аввалги туйғулари ўзгаради. Кафка одамларга хос ҳис-туйғуларнинг айнан ўзгарувчанлигини, улар орасидаги муносабатлар манфаатлар эвазига қурилишини кўрсатиш учун “эврилиш” мотивини восита қилган. Шунинг учун бу асар нафақат Франц Кафка ижодида, балки бутун XX аср жаҳон адабиёти тараққиётида ўзига хос янгилиги билан муҳим ўрин эгаллади.

Адиб Грегор Замзанинг ҳашаротга эврилиши мотиви орқали инсоннинг инсонлардан бегоналашиб кетиши, одам қиёфасини йўқотиши замон ва маконга тааллуқсиз эканини кўрсатишни кўзлаган. Ҳикояда инсон тақдирига хос содир бўлиб турадиган турли эврилишлар моҳиятини ифода этган воқеалар баёни кишини ўзига жалб қилиб, кенг мушоҳада юритишга ундайди. Шунинг

баробарида ўқувчини унга мос ҳаётий мисоллар топиб, муносабатини шакллантиради. Чунки реал ҳаётга разм солсак, ёзувчининг ҳақ эканлиги ойдинлашади. Негаки, ҳаётда ҳам бирор-бир фалокат (масалан, автоҳалокат) туфайли умрбод ногирон бўлиб ёхуд бедаво касалликка чалиниб, умрбод соғлигини йўқотса ва худди Грегор Замза сингари тўшакка миҳланиб қолса-ю бировлар кўмагига муҳтожлик сезса, аввало, оила аъзолари ундан қутулишга ҳаракат қилиши, ногиронлар уйига жойлаб қўйиши каби ҳолатлар кузатилади. Ана шу жиҳати билан бу тасвир ҳаётий асосга эга.

Америкалик Генри тахаллуси билан ижод қилган ёзувчи Уильям Сидни Портернинг ҳам “Эврилиш” номли ҳикояси бор. Унда банкларни ўмарувчи ўғри Жимми Валентай бош қаҳрамон сифатида тасвирланган. У Аннабел Адамсга ошиқ бўлиб қолгач, бутунлай яхши томонга ўзгаради. Бу асарда “эврилиш” мотиви магик моҳиятда эмас, у қаҳрамон Жиммининг руҳиятидаги ўзгаришларни очиб беришга хизмат қилган.

Инглиз адиби Герберт Жорж Уэллснинг “Кўзга кўринмас одам” фантастик романида ёш физик олим Гриффин кўп машаққатли меҳнат ва изланишлардан сўнг нарсаларни рангсизлантириш орқали одамни кўринмас ҳолга айлантириш сирини очади. Бу ихтиросини ўзида синаб, ҳеч кимга кўринмайдиган ҳолатга кириб олган Гриффин бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш куч-қудратини эгаллайди. Бу якка олим – индивидуалистнинг ўз кашфиётидан бойиш учун фойдаланишга интилиши ва одамларни менсимамай, улардан ўзини юқори қўйиши қудратли шахс таназзулини кўрсатади. Манманлик ва якка-ёлғизлик уни фожиали ўлимга маҳкум этади [Азизов Қ., Қаюмов О., 1987; 278].

“Эврилиш” мотиви халқ оғзаки ижодидан ўсиб чиққан ва озиқланган. Хусусан, фольклордаги сюжети “эврилиш” мотиви асосига қурилган зоонимик афсоналарга хос, яъни эпик матн композицион қурилишининг марказида қаҳрамоннинг шаклу шамойили бирор-бир ҳайвонга эврилиши воқелиги ёзма асарларда ҳам анъанавий сюжет элементларидан бирини ташкил этиши алоҳида эътиборни тортади. Аслида, қадимги инсонларнинг жон барҳаётлиги, унинг танадан ташқарида ҳам руҳий мавжуд бўла олиши, ўлимдан сўнг жоннинг моддий оламда турли нарса-ҳодисаларда, биологик ҳаётнинг бошқа шакли тарзида яшашни давом эттириши тўғрисидаги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ тушунчалар асосида шаклланган “эврилиш” мотиви ёзма асарларда ҳам қаҳрамоннинг одам кўринишидан ҳайвон кўринишига ёки, аксинча, ҳайвон кўринишидан инсон қиёфасига кўчишини тасвирлаш воситаси бўлиб келади.

Одамнинг ҳайвонга эврилиши мотиви Апулейнинг “Олтин эшак” асаридан сўнг яратилган асарларда ҳам учрайди. Бунга рус адиби М.Булгаковнинг “Итюррак” асарини мисол қилиш мумкин. Унда итнинг илмий изланишлар самараси сифатида одамга айлантирилиши мотиви келтирилган [Булгаков М.А. 1987].

Жаҳон адабиётида ҳайвоннинг одамга эврилиши мотиви асосига қурилган асарлар ҳам мавжуд. Жумладан, немис адабиётида фантастик ҳикоялари билан шуҳрат қозонган адиб Пауло Маарнинг 2011 йили ёзилган “Жаноб Белло ва

сирли эликсир” номли ҳикояси қаҳрамони Макснинг топиб олган Белло исмли ити одамга эврилишини бунга мисол қилиш мумкин. Макснинг отаси дорифуруш бўлади. Белло дорихонага кириб, стол устидаги ғалати дори (элексир)ни ичиши биланок, бесўнақай одамга айланиб қолади [Пауль Маар., 2012].

Умуман айтганда, инсонларнинг ит этнологияси билан боғлиқ тасаввур-тушунчалари оғзаки ва ёзма адабиётда ит образи талқинига замин яратган. Фольклорда у кўпинча ёрдамчи куч вазифасида, вафодор, садоқатли, чин дўст рамзида талқин этилса, баъзан очкўз, зўравон, ахлоқсиз, нопок шахслар параллели сифатида ҳам берилгани кўзатилади.

Марк Твеннинг “Қирол Артур саройидаги Коннектикутлик Янки” тарихий-фантастик романининг қаҳрамони бир муштлашиш вақтида бошига тушган калтак зарбидан сўнг ақлини йўқотади ва ҳушидан кетади. Ҳушига келгач, ўзини VI асрдаги Англияда кўради ва қирол Артур саройига боради. Шу тариқа адиб ўз асарида макон ва замон эврилишидан фойдаланиб, зулм, даҳшат, диний жаҳолат авж олган қироллик даврини фош этишга уринади. Мана шу асосда ижодкор ўз замонасидаги қабоҳатларнинг ўтмишдаги ярамасликлар билан боғлиқлигини, бири-иккинчисидан қолишмаслигини акс эттиради. Асарда ёвуз қиролича Моргана, сеҳргар Мерлиннинг жоду орқали эврилишлар қилиши ҳам эътиборни тортади.

Геофрей Монмоутнинг 1136 йили ёзилган “Британия қиролларининг тарихи” асарида Артур ҳақидаги афсоналар ҳамда Ўрта аср Уэлс шеърляти орқали номи машҳурлашган жуда ажойиб сеҳргар, афсонавий шахс Мерлин Амбросиус тасвирига боғлаб келтирилган “эврилиш” мотивли лавҳалар алоҳида эътиборни тортади. Аслида, Буюк Британия собиқ қиролларининг тарихий хислатлари ҳақида яратилган бу асарда Мерлин хаёлий қаҳрамон сифатида учрайди. Мерлин ўз сеҳр ва найранглари орқали қирол Артурга ғалабалар келтиради. У Артурнинг маслаҳатчиси ва жангчиларнинг устози сифатида хизмат қилади.

Ижодкор Роберт де Борон сеҳргар Мерлиннинг ўз қиёфасини ўзгартира олиш қобилияти, яъни эврилиш хусусияти, айниқса, унинг кулгили шахсияти ҳақида гапиришга катта эътибор қаратган. Унинг “Мерлин” насри (шеъри) Мерлиннинг жодугарлиги, қиёфасини ўзгартиришига оид бир қанча мисолларни ўз ичига олади. У бўйнига болтаси осиб олган, катта пойафзалли, йиртиқ пальтоли, калин сочли ва узун соқолли дарахт кесувчи қиёфасида намоён бўлади. Кейинчалик у Норсумберланддаги ўрмонда, Утернинг издоши томонидан чиркин одамга ўхшаб яшириниб юрган ва ҳайвонларнинг катта подасини боқувчисига ўзини ўхшатган киши тарзида кўрсатилади. Кейинчалик у дастлаб чиройли одам, сўнгра чиройли бола каби намоён бўлади. Йиллар ўтгач, у Артур олдида чарм пойафзал, жун палто, қалпоқ кийган ва қўй терисидан тайёрланган белбоғ бойлаган деҳқон сифатида пайдо бўлади. У узун бўйли, қора ва калин сочли шафқатсиз ва ёвуз шахс сифатида ҳам гавдалантирилади. Ниҳоят, у узун соқолли, паст бўйли, қадди букчайган, эски ва йиртиқ либосдаги чол сифатида пайдо бўлади. Мерлиннинг қиёфаси ҳар гал турли хил кўринишларда акс

эттирилади.

Сеҳргар Мерлин образи нафақат адабиётда, балки кинофильмларда ҳам тасвирланар экан, унинг сеҳргарлик хислатига, ўз шаклини ўзгартира олиш қудратига алоҳида аҳамият қаратилган. Умуман айтганда, Мерлин образи тарихий ва афсонавий шахсларнинг комбинацияси сифатида яратилган.

Жаҳон адабиётида одамнинг антроморф кўринишдан зооморф ёки бирор табиат ҳодисаси ё осмон ёриткичлари кўринишига эврилиши мотиви асосига қурилган асарлар кўпчиликни ташкил қилади. Лекин замонавий адабиётда рухий эврилишлар талқини катта ўрин тутуди. Бу ўзликни англаш ёки асл илм ёки ҳақиқатни излаш билан боғлиқ эврилиш талқинидир.

XIX аср бошларидаги немис романтизм адабиётининг кўзга кўринган вакиллари билан бўлган Эрнест Теодор Амадей Гофман ижодида асосий адабий жанр эртак эди. Шунинг учун унинг яратган эртакларида “эврилиш” мотиви ёрқин кўзга ташланади. Бу жиҳатдан адибнинг “Циннобер лақабли митти Цахес” ёки “Кичкина Цахес” номли эртак шаклида яратилган сатираси эътиборни тортади. Унда адиб камбағал деҳқон аёлнинг Цахес исмли жуда хунук фарзанди сеҳр орқали гўзал қиёфага эга бўлиши, аммо бу ҳолат вақтинча давом этишини тасвирлаган. Розабельверде бу аянчли, бедаво болага уч дона тилла сочини совға қилади. Атрофдагилар кўз олдида ажойиб мўъжиза содир бўлади. Одамлар Цахесни ҳаддан ташқари чиройли, ақлли биладилар. Уни юқори табақадан келиб чиққан деб ўйлайдилар. Ундаги кўпгина фазилатлар ҳақида гапирадиган бўлишади. Цахес олий зот даражасига кўтарилади. У жуда осонлик билан катта лавозимларга эришади. Бошқалар ҳисобига бойиб, қудратли бўлиб кетади. Кичкина Цахес кўпдан-кўп таҳсину тасанноларга, мукофот ва имтиёзларга сазовор бўлади.

Бу мўъжизаларнинг барчаси княз Пафнутий мамлакатда юз беради. Бу княз махсус фармон билан ўз давлатида “маърифат” жорий қилган. Мана шундай давлатда митти Цахес саройнинг биринчи вазирига, яъни бутун князлик ишларини ҳал қилувчи қудратли кишига айланади. Циннобернинг сеҳри бу князликда яшовчи барча одамларни ўз домига тортган. Князлик баайни жиннихонага айланади. Аммо ёлғиз шоир йигит Бальтазар бу сеҳр таъсиринан ташқарида эди. Бальтазар романтик хаёлпараст киши. У ўша князликдаги бемаъни тартибларга шеърият, ширин хаёллар оғушини қарама-қарши қилиб кўяди. Бальтазар атрофдагиларни эс-хушларини йиғиштириб олишга чақирса, уни ҳамма ақлдан озган деб ҳисоблайди. Циннобер лақабли митти Цахес Бальтазар бахтига ҳам ғов бўлади. Бальтазарнинг Кандида исмли севгилисини тортиб олиб, унга уйланмоқчи бўлади.

Барча сеҳргарликлар, мўъжизалар сирини биладиган “маърифатли” князликда ана шу ажойиб-ғаройиботларни тарқатадиган доктор Проспер Альпакусининг ўзи Бальтазарга ёрдам қўлини чўзади. Доктор Циннобер сеҳрининг сирини очиб беради. Митти давлатнинг митти вазири Циннобернинг Кандида билан никоҳи олдидан Бальтазар унинг бошидан сеҳрли тилла соч толаларини юлиб олади. Энди сеҳрнинг ҳеч қандай таъсири қолмайди.

Гофман ўз ҳикоясини “замонавий эртак” деб атаган эди. Ҳақиқатдан ҳам, ёзувчи романтик қобиқ остида замонасидаги реалистик ҳаёт манзарасини ҳикоя қилиб беради. Асар муаллифи аччиқ ҳажв, шафқатсиз заҳарханда, ўткир киноя билан ўша замон князларини, вазирларини, ҳар хил амалдорларини аёвсиз шарманда қилади. Асар катта маҳорат, кенг фантазия, муболаға ва гротеск билан ёзилган. Унда ўзига ортиқча бино қўйган, ҳаддидан ошган, кеккайиб кетган давлат арбобларининг сатирик қиёфаси маҳорат билан чизилган. Муаллифнинг кинояси шу қадар қудратлики, майда князлар, амалдорларнинг керилиши оддий меҳнаткаш халқ ҳисобига бўлаётгани яққол кўзга ташлади. Эртакдаги ҳикоя қилинаётган бемаъни воқеалар бир князликда ёки бир давлатчада эмас, балки Гофман яшаб турган бутун Германияда ҳукм сураётганини ҳис қилиш қийин эмас.

Гофман асарининг халқ ижоди билан алоқаси унинг эртак композицион шакли ва услубидан фойдаланишидагина эмас, халқ фольклоридан олган сеҳрли соч толалари мотиви, ёмонлик устидан яхшилиқнинг ғалабаси каби оптимизмида ҳам кўриниб туради.

Адабиёт оламида соғни касалга, касални соғга эврилтирувчи сирли тилсим предметлар образи акс этган асарлар ҳам бор. Шундай асарлардан бири Джоан Роулингнинг “Сеҳргар ва сакровчи кўзача эртаги”дир.

Джоан Роулинг қаламига мансуб “Эртакчи Бидлянинг эртаклар тўплами” сеҳрли-фантастик эртаклардан иборат бўлиб, сеҳр оламига қизиқувчи ёшларга мўлжалланган. Бидлянинг эртаклари халқ эртаклари сингари эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, яхшилиқнинг муқофотланиши, ёмонликнинг эса жазоланиши мавзусида яратилган.

Муаллиф эртакларининг муҳим жиҳати шундаки, уларда сеҳргарлик агар ёвузликка хизмат қилгудек бўлса, муқаррар бахтсизликка олиб келиши тасвирланган. Жумладан, муаллиф эртакларида маликанинг ёвуз бир жодугар берган сеҳрланган олмани еб, ўликдай уйқуга кетиши ёки шахзоданинг шундай жодуланган олмани еб жирканч ҳайвонга айланиб қолиши каби анъанавий эпик мотивлар тасвири айнан мана шу ҳақиқатга қаратилган.

“Эртак куйловчи Бидлянинг эртаклари тўплами” қаҳрамонлари кўпинча ҳаёт қийинчиликларини сеҳр-жоду воситасида енгмоқчи, ҳал қилмоқчи бўладилар. Шуни инобатга олган Бидля ўз ҳикоялари орқали ота-оналар номидан фарзандларга бунинг имконсизлигини уқтиришни мақсад қилади.

Тўпландан ўрин олган “Сеҳргар ва сакровчи кўзача эртаги”да ҳикоя қилинишича, қадим замонларда бир сеҳргар бўлган экан. У бемор ёки бирор-бир мушкулоти бор қўшниларида тортиб, кўмакка муҳтож кишиларга сеҳрли кўзаси воситасида ёрдам бераркан. Бу кўза бир темир оёқли бўлиб, шу оёғига шиппак кийиб, сакраб-сакраб юра оларкан. Сеҳргар кексайиб вафот этгач, шу сирли кўзаси ўғлига мерос қолибди. Бироқ ўғил ўта кўпол, бешафқат бўлиб, сирли кўзанинг куч-қудратидан хабардор эса-да, у орқали одамларга ёрдам беришни хоҳламас экан. Ҳатто отаси тириклигида одамларга ёрдам берганини кўрса, уни койир экан.

Кунларнинг бирида бир кампир келиб, неварасига ўсма хол чиққанини, йигитнинг отаси кўзачасидаги сув билан бу ўсмани даволаб келганини айтиб, ундан яна ёрдам беришини сўрайди. Сеҳргар йигит эса унга бақриб, ҳайдаб юборади. Шу пайт ўсма хол кўзачада ҳам пайдо бўлади. Буни кўрган сеҳргар йигит жирканиб, кўзачани улоқтириб юборади ва сеҳр ёрдамида уни йўқотишга ҳаракат қилади. Аммо уддасидан чиқмайди. Кўзача жонланиб, ўзидан тақар-туқур овозлар чиқариб, йигитнинг ортидан сакраб юрганча эргашади. Йигит унинг таъкибидан кутула олмайди. Шунингдек, кўзача ёрдамига умидвор беморлар ҳам уни излаб келаверадилар. Бу гал йигит хузурига ҳолдан тойган бир чол келиб, эшаги йўқолиб қолганини, у бўлмаса оиласини боқа олмаслигини, шунинг учун эшагини топишида ёрдам кераклигини айтиб, кўмак сўрайди. Йигит эса уни эшитишни ҳам хоҳламай, эшикни чолнинг бетига ёпади. Шунда кўзача ваҳимали ва безовталантирувчи тақар-туқур овоз чиқариши етмагандай, эшакдек ҳанграй бошлайди ва йигитни таъқиб қилишдан тўхтамайди.

Кечга яқин йигитнинг эшиги учинчи марта таққиллайди. Энди унинг хузурига ёшгина бир аёл боласининг бўғилиб қолаётгани, аҳволи оғирлиги боис ёрдам сўраб келади. Аммо йигит аёл ва унинг боласига заррача ҳам раҳм қилмай, ҳайдаб солади. Шундан сўнг сеҳрли кўзачанинг ҳам янгидан-янги қилиқлари пайдо бўлади. У бир эшакдек ҳанграса, бир қаттиқ йўталади, бир овози бўғилиб қолса, бир ёш боладек йиғлайди, унинг ичидаги сув эса балғам ҳамда сўлак бўлиб, тошиб кетаверади, тинмайди. Бунга чидай олмаган сеҳргар йигит кўчага чиқиб “кимнинг қандай ташвиши, муаммоси, дарди бор бўлса келаверинглар, мен ёрдам беришга тайёрман” дея, югургилаганча дод солади. Кўзача ҳам ўз қилиқлари билан унинг ортидан сира қолмайди.

Хуллас, йигит сеҳрли кўзача ёрдамида кампирнинг ўсма хол чиқарган неварасини тузатади, уйдан чиқиб йўқолиб қолган эшак хўжайини хонадонига қайтиб келади, овози бўғилиб қолган болакай шифо топади. Ҳар гал муаммолар, касалликлар бартараф этилганда, кўзача ҳам ўз қилиқларини йўқотиб, аслига эврила бошлайди. Кўзача темир оёқчасига шиппагини кийиб, овоз чиқармай юрадиган бўлади, ундаги ўсма холлар ҳам йўқолиб кетади. Буни кўрган йигит ҳар доим одамларга ёрдам бериш кераклигини англайди. Қолаверса, отасидан мерос қолган сеҳрли кўзача ўзини қийнамаслигини хоҳлайди [Джоан Роулинг, 2007].

Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви шеърӣ, насрий, драматик асарлар сюжет қурилишида учрайди. Ундан эртак стилизациясига асосланган асарларда, фантастик ҳамда ижтимоӣ-маиший руҳдаги роман, қисса, ҳикояларда кенг фойдаланилган.

Жаҳон адабиётида “эврилиш” мотивининг бадиӣ-гадрижий ривожланиш босқичларини қуйидагича таснифлаб ўрганиш мумкин:

1. Антик адабиётда “эврилиш” мотиви.
2. Уйғониш даври адабиётда “эврилиш” мотиви.
3. Уйғониш даври адабиётдан кейинги босқичларда “эврилиш” мотиви.
4. XX-XXI аср адабиётда “эврилиш” мотиви.

Кўрсатилган даврларнинг ҳар бирида ижодкорларнинг “эврилиш” мотивидан турли поэтик мақсад ва вазифаларда фойдаланишгани кузатилади. Ҳар бир давр ижодкорларининг “эврилиш” мотивидан фойдаланишдаги маҳорати ҳар хиллиги унинг поэтик табиатида қандай ўзгаришлар, янгиланишлар юз берганини, анъанавий ва янги кўринишларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Айтайлик, антик адабиётда “эврилиш”нинг кўпинча маъбудлар томонидан инсонларга жазо бериш усули экани ёки инсоннинг шахсий қизиқувчанлиги сабабли юз бериши талқин этилган бўлса, Уйғониш даври адабиётида эврилиш инсонларнинг ўз хоҳишига кўра бирор сеҳрли буюм ёки сеҳрли сўз воситасида юз бериши тасвирланган. Уйғониш даври адабиётидан кейинги босқичларда “эврилиш” мотиви кўпинча олим одамларнинг ўз илмий кашфиётлари орқали ўзининг ёки бировларнинг кўринишини ўзгартириши, ижтимоий мавқеини кўтаришга, бойишга, бошқаларни бўйсундиришга интилиши воқеалари асосида ифода этилган. XX–XXI асрлар адабиётида эса кўпроқ руҳий эврилишлар тасвирига кенг ўрин берилган. Шу асосда кўпроқ инсон руҳий кечинмалари билан боғлиқ ўзгаришларни талқин ва таҳлил қилишга эътибор қаратилган. Мана шу сабабли жаҳон адабиётида “эврилиш” мотивининг бадиий-тадрижий ривожланиш босқичларини таснифлаб ўрганишга тўғри келади.

Шотландиялик ёзувчи Роберт Луис Стивенсоннинг готик жанрда ёзилган “Доктор Жекил ҳамда мистер Хайд ҳақидаги ғайриоддий воқеалар” (1886) романида илм-фан ютуқларини эътироф этиш, инсон ўз ақлу заковати асосида кашф этган дори-малҳамини қабул қилиши билан кўринишини ўзгартириши анъанавий “эврилиш” мотиви воситасида тасвирланган. Романда сирли дори тайёрлаб, ўз кўринишини ўзгартирган ва Эдуард Хайд қиёфасига кириб олган Генри Жекил образи учрайди.

Асар воқеалари учинчи шахс, нотариус Габриэл Жон Аттерсон томонидан баён этилади. У табиатан ўзига нисбатан қаттиққўл, лекин ўз атрофдагиларининг заиф томонларига ёмон муносабатда бўлади, айб топиш эмас, балки ёрдам беришни афзал кўради.

Асардаги воқеалар XIX асрнинг охирида Лондонда бўлиб ўтади. Юз берган воқеа жуда ғаройиблиги боис катта шов-шувларга сабаб бўлади.

Эдуард Хайд шайтономуз киши бўлиб, у ким билан мулоқот қилмасин, албатта, тушунарсиз туйғуси қўзғаларди. Шунинг учун у бир қатор жирканч хатти-ҳаракати, бемаъни ва шафқатсиз ишлари билан ёмон от чиқарганди.

Асарнинг яна бир қаҳрамони жамиятда ҳурматли доктор Генри Жекилдир. У Хайд билан сирли равишда боғлиқ эди. Бу боғлиқлик нотариус Аттерсонни қизиқтириб қўяди. Хайд вақт-вақти билан доктор Жекилнинг уйида пайдо бўларди ва хизматчилардан унинг буйруғини сўзсиз бажариш талаб қилинарди. Бундан ташқари, доктор вафот этганда ёки ғойиб бўлиб қолган тақдирда, унинг барча бойликлари Хайдга васият қилингани – энг қизиқарлиси эди. Митти бўйли, қўрқинчли қиёфага эга бўлган Хайд ора-ора шаҳарда пайдо бўлиб қоларди. Лондондаги шов-шувли қотилликда Хайд гумондор бўлиб чиқади. Аммо унинг қотил эканлиги исботланмай қолади, ҳеч қандай далил топилмайди. Доктор

Жекил Аттерсондан Хайдга ёрдам бериш кераклигини, Хайд унинг қадрдони эканини айтади. Бир куни Жекилнинг сарой ходими Аттерсоннинг олдига келиб, доктор Жекил ўз кабинетида кулфланиб олганлиги ва бир ҳафтадан буён ҳеч кимни қабул қилмаётганлиги, ҳатто овқат ҳам емаётганлиги, хонадан бошқа бир овоз турли хилдаги дориларни топиб келишни буюраётганлиги ҳақидаги хабарни етказди. Шунда Аттерсон зудлик билан доктор Жекилнинг лабораториясига келади. Хизматкорлар Хайд уларнинг хўжайинини ўлдириб, энди уйни тарк эта олмаётганини гумон қилишади.

Аттерсон хона эшигини очишни талаб этади, акс ҳолда уни бузиб ичкари киришини таҳдид қилади. Хонадан нотаниш бир овоз унга раҳм қилишларини сўрайди. Шунда Аттерсон кўлига темир мослама олиб, эшикни бузади. Хонадаги митти одам уларни кўриб, зинқирраб бурчакка қоча бошлайди. Аттерсон стол устидан ўз номига ёзилган мактубни топиб олади. Бу доктор Жекилнинг Аттерсонга қолдирган васияти бўлиб чиқади. Унда доктор Жекил илмий кашфиёт ўтказганлиги ҳақида ёзилганди. Жекилнинг ёзишича, бир вақтнинг ўзида инсон психикасида бир нечта одамнинг хусусиятлари мавжуд бўлиши мумкин экан. Зеро, унинг хатти-ҳаракати шу жамланманинг натижасидир. У муваффақиятли илмий тажриба эмас, балки салбий “мен”нинг вақтинчалик устунлик мавқеига эга бўлиш йўлини топа олганлиги ҳақида ёзганди. Мензуркадаги атиги бир неча томчи дори уни бошқа бир инсонга айлантириб кўйгани ва яна шу дорини ичгандан сўнг қайтиб асл қиёфасига эврилгани Аттерсонни хайратга солади. Хайд қилган жинойтларини маълум қилган эди.

Аслини олганда асарнинг икки қаҳрамони бир киши ҳисобланади. Барчанинг ҳурматига сазовор бўлган доктор Жекил жамиятда кишилар нафратига учраган Хайд қиёфасида вақтинча намоён бўлиш имконини берадиган, яъни инсон кўринишини ўзгартирадиган дори яратган эди. Бу қиёфада доктор жирканч амалларини бажаради.

Ёзувчи асарда икки хил характердаги қиёфа тасвирини усталик билан ярата олган. Жекил – меҳрибон, Хайд – қасоскор, Жекил – ўзгаларни ўйлайдиган, Хайд – худбин, Жекил – ҳиссиётларга берилмайдиган, Хайд эса жирканчликлар рўёси эди.

Асарнинг фантастик жиҳати шундаки, ундаги эврилиш инсон ақли чегарасидан анча узоққа чиқади. Дорини ичгандан сўнг қаҳрамоннинг нафақат хатти-ҳаракатлари, балки ташқи кўриниши, ҳаттоки, қаддининг кичрайиб қолиши, сочлари ўсиб, кўрқинчли қиёфага ўзгаришини кузатиш мумкин. Доктор Жекил илм-фан учун ўзида турли хил тажрибаларни ўтказишга тайёр эди. Оддий тажриба бўлиб бошланган иш секинлик билан докторнинг ўлимига олиб келади; ҳар гал раҳмдил доктор дорини ичганда шафқатсиз исёнкорга айлана бошлайди. Шу ниқобда осонлик билан ёвуз ишларни бажара олади. Аммо доктор ўзининг Хайдга эврилиш жараёнини бошқара олмайди ва охири оқибат ўз-ўзини ёлғизлик, тушкунлик ва ўлим сари олиб келади.

Ёзувчи асарда инсон табиатига пессимистик назар (тушкун кайфият) билан боқади, яъни атиги бир томчи дори ёки кимёвий модда меҳрибон, ҳар доим

ёрдамга қўлини чўзадиган инсонни ёвуз, исёнкор шахсга айлантириб қўяди.

Кўринадики, асарда инсон ақлу заковати билан тайёрланган дори-малҳам воситасида эврилишнинг берилиши орқали инсон қудрати улуғланган. Шунинг баробарида бу анъанавий мотив инсоннинг ўз қабиҳлигини, аниқроғи, қотиллик иллатини ёпиш учун қўл келганлиги ёритишга хизмат қилган.

“Доктор Моронинг ороли” романида одамлар таъқибидан қочиб, инсон зоти яшамайдиган оролга бориб қолган доктор Моро ўша ерда ҳайвонлар устида жарроҳлик тажрибасини давом эттириб, чўчка, шохли қорамол ва бошқа ҳайвонларни одамсимон махлуқларга айлантиради. Моро “қудратли шахс” сифатида бир томондан, ўзига тобе кимсаларни юзага келтиришни истаса, иккинчи томондан, душман ҳисобланган инсонлардан қасос олиш мақсадида, умуман, уларга қарши қўпол пародия яратади.

Олим назаридан одамларга фойда келтириши кўзлаган илмий тажриба ғойиб бўлади. Унинг ўзи савдои кишига айланади. Доктор яратган оролдаги дунё истикболсиз ва даҳшатлидир. Яккаликда бахтсиз яшаган олим охирида ўша ерда ўлади.

Адиб муддаоси техниканинг тараққиёти жамиятда халқ манфаатларига эмас, бирор тўданинг бойишига хизмат қилса, жамият ва халқ учун катта хавф-хатар туғдиришини акс эттиришга қаратилган [Азизов Қ., Қаюмов О., 1987; 277–281].

Умуман айтганда, “эврилиш” мотиви ҳаёт билан боғлиқ ҳақиқатларни ошкор қилишга ёрдам беради. У орқали мифопоэтик тасвирлар яратилиб, асарнинг таъсирчанлиги оширилади. Айниқса, ижтимоий ўзгаришлар масаласини ёритишда унинг ўрни кўриниб туради. Қахрамонлар кўриниши ва ҳолатидаги ўзгаришлар, аслида, инсон ҳаётининг ўзгарувчанлигини, одамзод шахсиятининг ўзгаришига ҳам сабаб бўлишини англашга олиб келади. Шу мантиқдан келиб чиқсак, ижодкорларнинг бу мотивдан кўп фойдаланишлари аёнлашади.

ХУЛОСА

Жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида “эврилиш” мотивининг алоҳида ўрин тутиши, анъанавийлиги, генезиси дунё халқларининг анимизм, тотемизм, магизм, фетишизм каби қадимий мифологик тасаввур-тушунчалари, у дунё, яъни ўзга олам, ўликлар салтанати, маъбуд ёхуд тангрилар макони ҳақидаги эътиқодий ишончларига бориб тақалиши жиҳатидан муштарак бадиий кўриниш ва вазифаларда намоён бўлиши билан алоҳида эътиборни тортади.

Ёзма адабиётда қўлланилган “эврилиш” мотивида фольклор анъаналарининг бевосита таъсири кузатилади. Бу кўпинча ундаги магик моҳият устуворлиги билан белгиланади. Ёзма адабиётда “эврилиш” мотивидан, асосан, романтизм йўналишида, фантастик руҳда яратилган асарларда кенг фойдаланилган. Уларда эврилишнинг фольклордаги каби инсоннинг антроморф қиёфадан зооморф қиёфага ёки бирор табиат ҳодисасига, осмон жисмига айланиши, киши ўз ижтимоий мавқеини, ҳолатини, кўринишини сеҳрли таёқча, сеҳрли қалпоқ, сеҳрли олма, сирли тери, сеҳрли соч толаси ва ҳоказо каби магик хусусиятли предметлар воситасида ўзгартириши, кексалиқдан

ёшликка ёки ёшликдан кексаликка ўтиши, ўликнинг қайта тирилиши, бировни жазолаш, бировдан ўч олиш, қарғишга учраш, қизиқувчанлик, фош этиш, ўз ақлий-илмий кашфиёти орқасидан бойишга интилиш оқибатида эврилишга учраши, одам турмуши, ҳис-кечинмалари билан боғлиқ тарзда юз берадиган руҳий эврилишлар, макон ва замон эврилиши каби кўринишлари учрайди.

Жаҳон адабиётида қадимдан ҳозиргача эврилишнинг маъбудлар, демонологик кучлар (шайтон, жин, ажина ва алвастилар), оддий ёки олим инсонлар томонидан содир эттирилиши тасвирланган.

Бадий ижодда “эврилиш” мотиви ғоявий-эстетик ҳамда композицион жиҳатдан муҳим бўлиб, шеърӣй, насрий, драматик асарлар сюжет қурилишида воқеаларни боғлашда муҳим аҳамият касб этади. “Эврилиш” номи билан аталган асарларда унинг бу вазифаси янада бўртиб кўринади.

Жаҳон адиблари асарларида “эврилиш” мотивининг магик, ижтимоӣй, руҳий табиатли ўзига хос поэтик структурал ва функционал типлари учрайди. Лекин уларнинг ҳар бири муайян поэтик бирлик сифатида ягона инсон қисматини идрок этиш шакли бўлиб хизмат қилади.

“Эврилиш” мотиви барча замонларда ва дунё халқлари адабиётида инсон тақдирини поэтик талқин қилиш, унинг ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар, ижтимоӣй силжишлар, бурилиш нукталари, руҳий бузилишларни тўлалигича бадий ёритиш мақсадида қўлланилган. Унинг асар бадииятини таъминлашдаги аҳамияти ва муҳимлиги ҳам кўпроқ шунда намоён бўлади. Ҳозирда кўпинча “эврилиш” мотивидан ёзма адабиётда инсон ҳис-кечинмалари билан боғлиқ тарзда содир бўладиган “руҳий эврилишлар”ни бадий очишда фойдаланилаётгани кузатилади. Бундан “эврилиш” мотиви табиатида ўзига хос эволюцион ўзгариш, диффузияланиш жараёни, поэтик динамика юз берганлиги англашилади.

FOYDANILGAN ADABIYOTLAR

1. Apuley L. *Metamarfozy ili Zolotoy osel.* – Moskva: Vneshtorgizdat, 1993. – S.97.
2. Azizov Q., Qayumov O. *Chet el adabiyoti tarixi.* – Toshkent: O'qituvchi, 1987. – B.278.
3. Baxtin M. *Romanda zamon va xronotop shakllari. Tarixiy poetikadan ocherklar. Rus tilidan Uzoq Jo'raqulov tarjimai* – Toshkent: Akadernashr, 2015. – B.30.
4. Bahtin M. *Voprosi literaturi i estetiki.* – M.: Hudozhestvennaya literatura, 1975. – S.275.
5. Bulgakov M.A. *Sobach'ye serdca.* – Harcourt, 1987.
6. Djaon Rouling. *Skazki Barda Bidlya. Maxaon,* 2007.
7. Ipak yo'li afsonalari (Joy nomlari bilan bog'liq afsonalar). *Tuzuvchi, nashrga tayyorlovchi, so'z boshi va izohlar muallifi M.Jo'rayev.* – T.: Fan, 1993. –B.97.
8. Kafka F. *Evrilish. M.Solih tarjimai.* – Sharq yulduzi. – 1983. - № 8.
9. Murodov M., Shayxov H. *Hayotbaxsh xayollar.* – T.: Yosh Gvardiya, 1985. – B. 10.
10. *Publiy Ovidiy Nazon. Metamorfozy. Per. S.V.Shervinskogo.* – M.: Hudojestvennaya literatura, 1983.
11. Turdiyeva K. *Tushdagi saboq. Dunyoni saqlar bolalar.* – Toshkent: Bekinmashoq-Plus, 2012. – B.221-222.
12. Turdiyeva K. *Qush bo'lib uchgan ona. Dunyoni saqlar bolalar.*– Toshkent: Bekinmashoq-Plus, 2012. – B.233-234.

REFERENCES

1. Apuleius. *Metamorphosis or The Golden Ass.*– Moscow: Vneshtorgizdat, 1993. p.97.
2. Azizov K., Kayumov O. *History of Foreign Literature.* – Tashkent: “Teacher” publishing house, 1987. – p.278.
3. Bakhtin M. Time and chronotope forms in the novel. Essays on historical poetics. Uzak Jurakulov from Russian. – Tashkent: Academic publishing house, 2015. p.30.
4. Bakhtin M. *Issues of literature and aesthetics.* – M.: Fiction, 1975. p.275.
5. Bulgakov M.A. *The Heart of a Dog.* – Harcourt, 1987.
6. Joanne Rowling. *The Tales of Beedle the Bard.* Maxaon, 2007.
7. *Legends of the Silk Road (Legends associated with place names).* Compiled, prepared for publication, foreword and comments by M. Jurayev. – T.: Science, 1993. p.93.
8. Kafka F. *Metamorphosis.* Translation of M.Solih. – “Eastern Star” publishing house. – 1983. №8
9. Murodov M., Shaykhov H. *Life-giving Dreams.* – T.: Young Guardia, 1985. p.10
10. Publius Ovid Nazon. *Metamorphosis.* Translation of S.V.Shervinskogo. – M.: Fiction, 1983.
11. Turdieva K. *Learned from the Dream. Children will save the world.* – Tashkent: Hide-and-see-Plus, 2012. p.221-222.
12. Turdieva K. *Mother who flew like a bird. Children will save the world.* – Tashkent: Hide-and-see-Plus, 2012. p.233-234.